

№ 516-сонли ШАРТНОМА
22110012180814-сонли лот

Фарғона шаҳри

2022 йил “17” ноябрь

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Р.Холикназаров бир томондан, кейинги ўринларда «Лойихачи» деб юритиладиган "INTERPROJEKT" МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Ш.Юлдашев иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги қонуни, Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК 1.03.01-16) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

1.Шартнома мавзуси

1.1.Лойихачи мазкур шартнома шартларига асосан “Данғара тумани “Кичик турк” МФЙ Ҷағали қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш” объектини лойиха смета хужжатларини ишлаб чикиш» обьекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш (калит остида топшириш) ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг шаҳарсозлик хужжатларига мувофиқлигига доир муаллифлик назоратини олиб бориш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса **вилоят Молия Бошқармаси томонидан обьектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус хисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.**

2.Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича Лойихачи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 йил «14» ноябрь кунги танлов ҳайъатининг №180814 - сонли электрон баёнига асосан жорий нархларда **29 750 000 (Йигирма тўккиз миллион етти юз эллик минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан “20” кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “ ” да буюртмачига тўлиқ топширилади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуидаги холлар бундан мустасно: - енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Лойихачи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3.Лойихачининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан тасдиқланган КМК, ШНК ва бошка меъёрий хужжатларга мувофик ишлаб чиқади ва тегишли хужжатларга асосланиб бажаради.

3.2. Лойиха кидирав ишларида (топосёмкада) барча ер ости мухандислик тармоқларини кўрсатади, ишлаб чиқилган лойиха-смета хужжатларини тегишли (гидрогеология, геология, электросет, энергонадзорат, СЭОМ, МЧС, автомобил йўллар бошқармаси, газ, экология) барча ташкилотлар билан келишган ҳолда хуноса олади, қурилиш монтаж ишлари якунига қадар муаллифлик назоратини олиб боради ҳамда ишлаб чиқилган лойиха-смета хужжатларини “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишади ва Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофик тўлиқ топширади;

3.3. Буюртмачининг рухсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъқиқланади.

3.4. Лойихачи лойиха-смета хужжатларини Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги хузуридаги “Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК дан экспертизадан ўтказади.

4.Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли хужжатларни далолатнома бўйича Лойихачига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Лойихачи томонидан қабул килинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пурратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

5.Тўловлар ва хисоб-китоблар.

5.1. Буюртмачи Лойихачига тегишли манзилли дастурга асосан маблаг ажратилганидан сунг шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 % миқдорида авансни ўтказади.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, кабул килингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия Бошқармаси томонидан обьектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб ракамига маблаг ажратилгандан сўнг обьект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

6.Ишларни бажариш

6.1. Лойихачи лойиха-СНИП ишларига лойиха бош муҳандисни тайинлайди.Бош муҳандис лойиха-смета хужжатлари ҚМК, ШНК ва бошқа меъёрий хужжатларга мувофик ишлаб чиқилишини назорат килади, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилаётган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот тақдим килиб боради. Лойихачи лойиха-смета хужжатларини белгиланган муддатда, курилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли килиб бажаради.

7.Ишларни топшириш ва қабул қилиш

7.1. Лойихачи томонидан тайёрланган лойиха-смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Курилиш Бошқармаси ҳузуридаги “Шахарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиб, унинг берган ҳулосасига кўра, тўпланган хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойихаолди, лойиха, тендер хужжатлари ва контрактларини экспертизадан ўтказиши тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3550-сонли карорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағаликкни кискартириш Бошқармаси ҳузуридаги “Лойихаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертиза килиш маркази” ДУК (НАПУ) томонидан комплекс экспертизадан ўтказилиб, уларнинг ижобий ҳулосаси олингандан сўнг, Лойихачи 3 кун мобайнида лойиханинг ишчи хужжатларини 3 нусхада, смета хужжатларини 3 нусхада накладной билан Буюртмачига топширади, Буюртмачи вакили ўзига берилган ишончнома билан ишни накладнойга имзо қўйиб, қабул қилиб олгандан кейин, Лойихачи ушбу накладной асосида счет-фактура расмийлаштириб, Буюртмачига тўлов учун тақдим қиласи. Лойиханинг ишчи хужжатлари юкоридаги тартиб асосида Буюртмачига топширилмаган тақдирда ишлар бажарилмаган ҳисобланади.

7.2.Лойиха-смета хужжатларида шартномадан четга чиқишлиар ёки бошқа камчиликлар борлиги аникланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул қилаётгандан аниклаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликларни аниклагандан кейин 10 кун муддатда Лойихачини ёзма равишда огоҳлантиради ва камчиликларни киска муддатда бартараф этилишини талаб қиласи. Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қиласи.

8. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни кисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

9. Кафолатлар

9.1. Лойихачи:-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, қурилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиха-смета хужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлайди;

10. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

10.1.Буюртмачи Лойихачига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айрим босқичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли кисмини тўлайди. Лойихачи тайёрланган лойиха-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан қўшимча жавобгар сифатида катнашишга мажбур.

10.2. Лойихачи лойиха-смета хужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари ва бажарилган қидиув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектни ишлатиш жараёнида аникланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиха-смета хужжатлари ишларида камчиликлар аникланган тақдирда Лойихачи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чикиши ва шунга мувофик зарур қўшимча ишларни бажариши шарт.

Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.3 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, тегишли дастур бўйича лойиха ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вактида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Лойихачига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод килмайди.

10.4. Лойихачи ишларни ўз вактида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объекти шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида объектда лойиха-смета хужжатлари билан боғлик муаммоли ҳолат вужудга келган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкий жавобгар хисобланади ва ушбу ҳолат билан боғлик зарар тўлигича Лойихачидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Лойихачини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод килмайди.

10.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш ҳужжатларига мувофик бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг ҳолосаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Лойихачидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш хуқуқига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкири шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мulkning йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдаланаидиган пеня билан копланмаган зарарларни қоплайди.

10.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

10.8. Буюртмачи бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ҳисобланганлиги сабабли, объектга бюджетдан маблағ ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия Бошқармаси томонидан объектининг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-кисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли кисми бекор бўлади.

11. Коррупцияга қарши қурашишга доир мажбурий шартлар

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга қарши қурашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар кандай ҳатти-харакатларни амалга оширмаслик;
- шу жумладан, пора таклиф килмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик килмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян харакатларни бажармаслиги шарт;
- томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;
- агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-

харакатлари, шу жумладан коррупциявий хукуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

12. Низоларни ҳал қилиш

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартиба Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чикилади.

13. Шартномани бекор қилиш

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли карорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарсозлик ҳужжатларини ишлаб чикиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартиба Лойихачи ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чикиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

13.2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараккиёт ва камбағалликни кискартириш Бошқармаси хузуридаги “Лойихалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг Техник топширикнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари қисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Лойиха ташкилоти томонидан ишлаб чикилган архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларига ижобий хулоса берилмаган тақдирда.

13.3. Лойихачи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда туттиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб колса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартиба тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунинга қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.

13.4. Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равища билдиришнома юборади.

13.5. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

14. Алоҳида шартлар.

14.1. Мазкур шартнома Фарғона вилоят Фазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома 2 (икки) нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тент юридик кучга эга.

15. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари: “Буюртмачи”

“Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари
қурилиши бўйича инжиниринг
компанияси” УК Фарғона вилояти худудий
бошқармаси

Манзил: Фарғона ш. Б.Марғиноний 143-үй
Тел.: 0-373-244-72-04
СТИР: 305 987 080 ОКОНХ 42210
ШХР: 301821860304017063201110061
Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар
Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса
маркази (ХККМ)
ЯФХ: 23 402 000 300 100 001 010 МФО:00014
СТИР: 20101229019

Рахбар
М.У
P.Холиқназаров

“INTERPROJEKT” МЧЖ
Адрес: Фарғона шаҳар Ламанов кўчаси 15/54 ўй
х/р 2020 8000 1009 5154 4001
Банк Унверсал банк Фарғона филиали
МФО 01131
ИНН 305902130

Директор
М.У
Ш.Юлдашев

Хукукий хулоса.
Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбурияtlарни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

юрист А.Нишонов